



АДРЕСАТГА ТАЪСИР ЖАРАЁНИДА МАНИПУЛЯТОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАЙДИГАН УСУЛЛАР

Бутаев Бахромжон Шарофитдинович

*Фарғона давлат университетининг Психология йўналиши 2-босқич
магистранти*

Ражабов Муродил Жумабоевич

Фарғона давлат университетининг Психология кафедраси катта ўқитувчи

Аннотация: Ушу мақолада Манипулятор мулоқот жараёнида нутқида қўллайдиган усуллар, тезкор темп ёки асоссиз шошилиш, ортиқча гумонсираш ёки ўзини оқлашга мажбурлаш, ўткинчи хорғинлик ёки овутиш ўйини, обрули манипулятор ёки ҳукмронлик алдови, қўрсатилган илтифот ёки қўмак учун тўлов, қаршилик ёки норозилик намойиши, ҳазил ёки қулги ёрдамидаги манипуляция, чалғитиш ёки хаёл қочишилари ҳақида маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: онг, онгсизлик, манипулятор, адресат, ҳукмронлик, қаршилик, норозилик, психика, манипуляция объекти, самарали ҳимоя, манипулятор.


СПОСОБЫ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ МАНИПУЛЯТОРАМИ В ПРОЦЕССЕ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОБРАЩЕНИЕ

Аннотация: В данной статье описываются приемы, используемые манипулятором в речи при общении, быстрый темп или необоснованная спешность, чрезмерная подозрительность или самооправдание, преходящая домогательство или игра в затирание, манипутивная манипуляция или доминирование, обман, плата за комплимент или поддержку, сопротивление или протест, юмор, или смех, анализировались данные о манипулировании, отвлечении внимания или иллюзиях.

Ключевые слова: сознание, бессознательное, манипулятор, адресат, доминирование, сопротивление, протест, психика, объект манипуляции, эффективная защита, манипулятор.

METHODS USED BY MANIPULATORS IN THE PROCESS OF INFLUENCE ON A CALL

Annotation: This article describes the techniques used by the manipulator in speech when communicating, fast pace or unreasonable haste, excessive suspicion or self-justification, transient harassment or the game of overwriting, manipulative





manipulation or dominance, deceit, payment for a compliment or support, resistance or protest, humor. or laughter, data on manipulation, distraction or illusions were analyzed.

Key words: conscious, unconscious, manipulator, addressee, dominance, resistance, protest, psyche, object of manipulation, effective defense, manipulator.

Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро маънавий баркамол бўлиши, мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлардан қонун томонидан химояланишини алохида таъкидлаш лозим. Мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни бир сўз билан маънавий таҳдид деб аташ мумкин. Бу борада биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” китобида «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

Инсон хеч қачон ўзига тўлиқ ишонмайди. Онгли ёки онгсиз равишда унинг халоскорлари бошқалар эканлигига доим ишонади. Аммо бошқаларга ҳам у тўлиқ ишонмайди. Шунинг учун ҳам манипуляциянинг нотекис йўлида бошқаларнинг “жилови” доимо манипуляторлар қўлида бўлиши ва уларни назорат қила олиши ҳамда шу шарт билан уларга купроқ ишониш учун шу йўлга тушиб оладилар. Ушбу йўлда онгни бошқариш учун манипулятор қўллайдиган усусларни қўйида қўриб чиқамиз.

Манипулятор мулоқот жараёнида нутқида қўллайдиган усусларидан бири тезкор темп ёки асоссиз шошилиш. Бу вазиятда манипуляторнинг тезкор нутқи темпи ҳисобига манипуляция обьекти тасдиғига эришиб, ўзининг қандайдир ғояларини ўтказишга уриниши ҳақида гапиришимиз мумкин. Бу каби ҳолат манипулятор гўё вақт йўқлигини баҳона қилиб, манипуляция обьектидан ўз жавобини ўйлаб олиш ва алдов (манипуляция) қурбони бўлиб қолмаслик имкони бор узоқ вақт давомида рўй бергандагидан анча қўпроқ нарса талаб қилаётганда ҳам кузатилади. Бундай пайтда манипуляторни танлаган темпидан чалғитиши учун тайм-аут олиш керак (масалан, шошилинч қўнғироқ ёки бошқа нарсани баҳона қилиш). Бунинг учун ўзини бирор саволни тушунмаганикка олиш, “ахмоқларча” қайта-қайта сўраш ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Адресатга таъсир жараёнида манипуляторларнинг қўллайдиган усуслардан яна бири ортиқча гумонсираш ёки ўзини оқлашга мажбурлаш. Бундай манипуляция манипулятор бирор масалада шубҳалангандай кўринишга уринганда амалга ошади. Манипуляция обьектида шубҳага жавоб реакция сифатида ўзини оқлаш истаги уйғонади. Шу билан унинг психикаси ҳимоя девори кучсизланади, демак, манипулятор унинг онг остига керакли психологик қурилмаларни “сингдириш” билан мақсадига эришади.

Ўткинчи хорғинлик ёки овутиш ўйини. Манипулятор бутун борлиғи билан хорғинлигини намоён этади, бу билан бирор нарсани исботлаш ёки





норозиликларни тинглаш имкони йўқлигини кўрсатади. Манипуляция объекти манипуляторни ўз эътиrozлари билан чарчатиб қўймаслик учун айтилган гаплга тезроқ розилик билдиради. Розилик билдириш билан манипулятор етовига боғланади. Ҳимоя усули ягона: иғволарга учмаслик.

Обрўли манипулятор ёки ҳукмронлик алдови. Манипуляциянинг ушбу тури индивид психикасининг бирор соҳада обрўли кишига қуллуқ қилиш хусусиятидан келиб чиқади. Кўпинча, бу каби “обрў” эгаси ҳозирдаги “сўрови” дан бошқа соҳада танилган бўлади, бироқ манипуляция объекти ҳеч нарса қила олмайди, чунки қўпчилик кўнглида ўзидан кўра кўпроқ натижага эришган киши борлигига ишонади. Ҳимоя варианти – ўзининг қобилиятли эканига, мукаммал одамлигига ишониш; ўзида танланганликка, мукаммал инсон эканлигига ишончни ривожлантириш.

Кўрсатилган илтифот ёки кўмак учун тўлов. Манипулятор бирор масалада дўстона маслаҳат берган бўлиб, манипуляция объектига у ёки бу қарорни қабул қилишни тавсия қиласди. Бунда, ўтқинчи дўстлик билан ниқобланиб (аслида биринчи бор учратган кишиси бўлиши мумкин), маслаҳатда биринчи навбатда ўзига керакли йўналишга ундейди. Инсон ўзига ишониши ва ҳамма нарсанинг тўлови борлигини унутмаслиги лозим. Яхшиси ўрнида, яъни илтифот учун тўлов талаб қилмасларидан олдин тўлаган маъқул.

Қаршилик ёки норозилик намойиши. Манипулятор мақсадига эришиш учун манипуляция объекти кўнглида турли сўзлар билан тўсиқни енгишга (психика цензураси) йўналтирилган ҳиссиётларни қўзғайди. Маълумки психика ўзига хос тузилишга эга бўлиб, инсон тақиқланган нарсага ёки бирор нарсага эришиш учун уриниш талаб қилинганда интилади. Яхшироқ ва муҳим нарса юзада турсада эътиборсиз қолиб кетаверади. Ҳимоя усули ўзига ишонч ва ирода, яъни фақат ўзига ишониш ва заифлик қилмаслик лозим.

Хазил ёки кулги ёрдамидаги манипуляция. Манипулятор аввалдан манипуляция объектининг исталган сўзини шубҳа остига олгандай истеҳзоли тонни танлаш орқали манипуляцияни амалга оширади. Бундай вазиятда манипуляция объекти анчайин тезроқ “ўзини йўқотади”; жаҳли чиққандан танқидий фикрлаш мураккаблашгани боис одам ОЎҲга (онгнинг ўзгарган ҳолати) тушади, онг аввал тақиқланган маълумотни ўзидан осон ўтказади. Самарали ҳимоя учун манипулторга ўзининг эътиборсизлигини намойиш қилиш керак. Ўзини мукаммал ҳис қилиш, “танланган”лигига ишониш сизни манипуляция қилишга уринишларига илтифот билан – болаларча ўйинга қарагандай қаравшга ёрдам беради. Бундай ҳолатни интуитив равишда манипулятор ўша заҳоти тушунади, чунки манипуляторларда сезгилар кучли ривожланган, шу боис манипулятив усулларни қўллаш пайтини ҳис қила оладилар.

Чалғитиш ёки хаёл қочиши. Манипулятор манипуляция объекти фикрларини мудом чалғитиш, сухбат мавзусини ўзига керакли ўзанга буриш






орқали мақсадига эришади. Ҳимоя сифатида манипуляторнинг чалғитишларига эътибор бермаслик ёки бошқа тингловчилар орасида уни кулгуга олиш тавсия этилади, чунки бирорнинг устидан кулсалар – унинг кейинги сўзларини жиддий қабул қилинмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, манипуляторлардан ҳимояланишда ўзликни шахс сифатида англаш ҳамда рухиятни исталган манипулятив таъсирга иродавий қаршилик кўрсата олиш имкониятига эга бўлиш зарур. Яъни ўзингизда ҳар қандай вазиятда ҳам мустаҳкам ишонч намойиш этишингиз, турли кўнгилсизликларга эътибор бермаслик, мулоқот жараёнида ўз нуқтаи назарингизга эга бўлишингиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Егорова М.С. Макиавеллизм в структуре личностных свойств. Вестник Пермского государственного педагогического университета. Серия 10, Дифференциальная психология, 2009, №. 1–2, 65–80.
2. Егорова М.С., Паршикова О.В., Ситникова М.А. Взаимосвязь диспозиционных черт личности и Темной триады. В кн.: Материалы юбилейной конференции Российского психологического общества «От истоков к современности», 2015.
3. Знаков В.В. Психология понимания: Проблемы и перспективы. М: Институт психологии РАН, 2005.
4. Калуцкая И.Н., Поддъяков А.Н. Представление о макиавеллизме: разнообразие подходов и оценок. Культурно-историческая психология, 2007, №. 4, 78–89.
5. Abell L., Brewer G., Machiavellianism, self-monitoring, self-promotion and relational aggression on Facebook. Computers in Human Behavior, 2014, 36, 258–262.
6. Arvan M. Bad news for conservatives? Moral judgments and the Dark Triad personality traits: A correlational study. Neuroethics, 2013, 6, 307–318.
7. Baughman H.M., Jonason P.K., Lyons M., Vernon P.A. Liar pants on fire: Cheater strategies linked to the Dark Triad. Personality and Individual Differences, 2014, 71, 35–38.
8. Rajabov Murodil Jumaboevich.TYPES OF Manipulation and expression of representative system in persons. galaxy international interdisciplinary research journal (GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 10, Issue 1, Jan. (2022).
9. Ражабов М. Ж. Психолингвистик жараёнда манипуляциянинг роли //Иновации в педагогике и психологии. – 2021. – Т. 4. – №. 7.
10. Муминов, Д. (2022). Psychological and psychological-pedagogical aspects of human capital and social safety. Uzbek Scholar Journal, 4, 60-62.





11. Soliev, F. S., & Muminov, D. (2021). To determine individual specificity and hidden potential of the personality according to external signs of behavior. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 1258-1265.

12. Ражабов М.Ж., Бутаев Б.Ш. Оилавий муносабатларда манипулятив таъсир таҳлили. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar" jurnali (ISSN:2181-3302) 2022 y. 20 may, 8-son, 89-93.

13. Ражабов М.Ж., Бутаев Б.Ш. (2022). Мулоқотда манипуляторларнинг кўллайдиган усуслар. Ijodkor o'qituvchi jurnali (ISSN: 2181-2330) (5 dekabr / 2022 yil) 24 – son, 170-173.

14. Бутаев Б.Ш., Ражабов М.Ж. Ёлғон ва унинг бошқа нейролингвистик белгилари. Новости образования: исследование XXI века (ISSN: 2782-6577), № 1 (100) август 2022 г., 252-257 ст.

